

ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СЕХРЛИ ТАЁҚЧА ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Н.Джумаева

БұхДУ инглиз тилшүнослиги кафедраси катта үқитувчиси

Abstract:

The involvement of magic objects in fairy tales plays an important role in determining the nature of fairy tales. The article discusses the image of magic wand in English folk tales and its specific features.

Key words:

Folklore, fairy tales, magic items, magic wand, religious legends, fairy, witch, transformation, fairy tale hero.

Сехрли фантастик әртаклар әртакларнинг алоҳида турини ташкил қиласди. Хусусан, сехрли предметларнинг иштироки бундай әртакларнинг табиатини белгилашда мухим аҳамият касб этади. Фаройиб хусусиятли предметларга сехрли узук, очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, учар гилам, кийса кўринмас ҳолга эврилтирадиган қалпоқ ёки тўн, еса яшартирадиган ёки соғайтирадиган, ҳатто ўлдириши мумкин бўлган олма, сехрли қилич, сехрли таёқча ва ҳоказоларни мисол қилиш мумкин. Сехрли таёқча образи, асосан, гарб әртаклари, хусусан, инглиз халқ әртакларида учрайтирадиган тилсим предмет бўлиб, ўзбек фольклорида бундай образни учратмаймиз.

Фольклоршунослар Эрнест ва Йоханна Лейнерларнинг фикрига кўра, сехрли таёқлардан фойдаланиш мотивининг асослари Инжилдаги диний афсоналарга бориб тақалади.

Айтилишича, ўтмишда профессионал сехргарлар Аароннинг таёғи рамзидағи новдадан сехр кучи тимсоли сифатида фойдаланишган. Бу новда керакли вақт ва зарур шароитда сехрли таёққа айланиб, одамларга ёрдам беришига ишонилган.

Мусо пайғамбар ҳақидаги афсоналарда унинг мўъжизавий кучга эга сехрли таёқ асоси бўлганлиги айтилади. Мусо алайҳиссалом у орқали Қизил денгизни иккига ажратиб, ундан осон кечиб ўтганча, бостириб келаётган душмандан ҳалқини соғ-омон кутқаргани, тошдан сув чиқаргани баён этилади.

Хоруннинг ҳам сехрли асо таёғи бўлгани, уни улоқтирганда илонга айлангани ва бу илон атрофда йигилган бошқа илонларни ютиб юборгани ҳикоя қилинади. Кейинчалик Мисрда балоларни бошлишга сабабчи бўлган бу қудратли таёқ асонинг Аҳд сандигида ҳавфсиз сақлангани айтилади.

Сехрли таёқ образи қадимги юонон ёзувчиси Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” достонларида ҳам учрайди. Бунда Гомер новда деган маънени анлатувчи “rabbos” сўзини ишлатган, лекин бу сўз кичик ҳажмда англашиладиган таёқчани эмас, балки катта ва қалинроқ ҳажмдаги таёқни англатади.

Гомер сехрли таёқчаларни уч худо: Гермес, Афина ва Цирцея ишлатганини ёзади. Масалан, “Илиада”да Гермес сехрли таёқчадан фойдаланиб, одамларни ухлатади ёки уйғотади. “Одиссея”да эса Афина сехрли таёқча ёрдамида Одиссейни қари қилиб, кейин яна уни ёшартиради. Цирцея сехрли таёқча ёрдамида Одиссей одамларини чўчқага айлантиради. Кўринадики, Гомер сехрли таёқча образидан маъбудларнинг куч-кудратини бўрттириш мақсадида фойдаланган. Бунда сехрли таёқча “эврилтирувчи” хусусиятга эга тилсим предмет сифатида кўрсатилган.

Инглиз халқ әртакларида ҳам сеҳрли таёқча образи турли ҳолатларда бош қаҳрамонга күмак берувчи, уни мурод-мақсадига, орзу-интилишларига етказувчи вазифасида талқин этилгани қузатилади. Масалан, “Қызыл Эттин” (“Red Ettin”) номли инглиз халқ әртагида сеҳрли таёқча образи учрайди. Унда ҳикоя қилинишича, әртак бош қаҳрамони сафардалиги өткіза бир кекса аёлни учратади ва аёл нонидан бир оз беришини сүрайди. Йигит рози бўлиб, нонидан бергани учун аёл унга сеҳрли таёқ ҳадя килади. Бу кекса аёл аслида яхши пари бўлиб, йигитга келгусида у билан содир бўладиган воқеалар ҳамда нима қилиши кераклиги ҳақида керакли маслаҳатларни беради. Сеҳрли таёқчадан тўғри фойдаланса, у йигитга кўп вакълар хизмат қилиши мумкинлигини айтиб, кўздан гойиб бўлади. Йигит даҳшатли ҳайвонлар яшайдиган жойга келиб қолганида, сеҳрли таёқча ёрдамида уларни енгади ва йўлида давом этади.¹

“Кейт Крекернатс” (“Kate Crackernuts”) әртагида бош қаҳрамон Кейтнинг опасининг боши сеҳр туфайли қўйнинг бошига айланган бўлади. Бир куни Кейт сеҳрли таёқчасини ўйнаб турган пари болага дуч келиб, шу таёқча билан уч марта урилса, опаси яна ўз ҳолига қайтишини билиб қолади. Шундан сўнг Кейт пари болани ёнғоқ ўйинига чалғитиб, у тушириб қўйган сеҳрли таёқчани олади ва фартугига яширади. Уйига келгач, опаси Аннани таёқча билан уч марта уриб, сеҳр кучини йўқотади. Шу билан опаси яна ўз ҳолига қайтади.²

“Қудуқдаги учта бош” (“Three heads of the well”) әртагида ўғай она зулмидан чарчаган малика ўз баҳтини топиш учун сафарга отланади. Йўлда бир чолга дуч келади ва чол ундан егулик сўрайди. Қиз унга егулигидан беради. Чол эса қизга миннатдорчилик билдириб, қўлига сеҳрли таёқча тутқазади. Сеҳргар чол қизга унинг олдидан тиконли тўсиқ чиқишини ва шу сеҳрли таёқча билан уч марта урса, бу тўсиқ очилиб, йўлида давом этиши мумкинлигини айтади. Худди айтилганидек, қиз катта тиканли тўсиққа дуч келади ва сеҳрли таёқчаси ёрдамида уни кесиб ўтади.³

“Saint George of Merry England” әртагида сеҳрли таёқча жодугар томонидан бош қаҳрамон Жоржга ўзи билан қолиши учун пора сифатида берилади. Эртак қаҳрамони эса шу сеҳрли таёқча ёрдамида сеҳрланган ҳудуд ҳокимиятини қўлга киритади. У таёқча билан кудратли бир қояни урганида, қоя очилиб, ичиди ёвуз сеҳргар ўлдирган барча янги туғилган чақалоклар таналари кўринади. Жорж сеҳргарнинг қотил эканини билгач, таёқча кучидан фойдаланиб, унинг ўзини ўша ерга етаклаб боради. Сўнгра уни қояга қамаб, сеҳрли таёқча билан қояни урганча абадий ёпиб, жодугарни ўша ерда абадий қолдиради.⁴

Эртакларда сеҳрли таёқча, асосан, сеҳргар чол ёки пари томонидан ижобий қаҳрамонга тақдим қилиниб, унинг оғирини енгил қилишга, ҳар хил тўсиқларни осон енгиб ўтишига, муаммоларни тез ҳал қилишига хизмат килади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002.– 408 p.
2. Steel F. English fairy tales. – London, 2005. – 142 p.
3. Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 252 б.
4. Расурова З. Ўзбек халқ сеҳрли әртакларида “таройиб буюмлар” (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2012. – 26 б.
5. Хокинс Дж., Делаханти Э., Макдоналд Ф. Толковый словарь английского языка Oxford English. – Oxford: Oxford University Press, 2008. – 556 стр.

¹ Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.98.

² Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002.- p. 142.

³ Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002.- p. 156.

⁴ . Steel F. English fairy tales. – London, 2005. – p. 6.

-
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти, 2008. – 679 б.